O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 16 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 64 (7259)

Da'vat

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Г.ГЕГЕЛЬ

Ibrat

Ватандошларимиз — Сайёр Саъдинов (лейтенант), Алишер Салимов (катта лейтенант), Бобуржон Ғаниев (лейтенант), Маъруфжон Ражапов (катта сержант), Улуғбек Барноев (сержант)лар Сурхон воҳасига суқилиб кирган бир тўда ғаламислар билан олишув чоғида Ватан ва халқ осойишталиги учун қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.



Суратда: қурилишда иш қизғин.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ КОЛЛЕЖДА

Кончилар шаҳри — Ангреннинг қиёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бири-биридан шинам, муҳташам бинолар, уй-жойлар, равон йўллар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган маиший хизмат коллежи ҳам Ангрендаги ўзига хос бинолардан бири бўлади.

Коллеж қурилишида мингга яқин қурувчи, ўндан ортиқ қудратли техника ишламоқда. "Ўзбекшахтақурилиш" трести бунёдкорлари шу кунга қадар 900 ўқувчига мўлжалланган асосий ўқув биноларини, 200 ўринли ётоқхона, ошхона, спортзал ва устахоналарни қуриб битказдилар. Айни кунларда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда "Кўмирқурилиш" ҳамда "Уй-жойқурилиш" акциядорлик жамиятлари, 15-кўчма механизациялашган жамланма, "Арго", шунингдек, Наманганнинг "Камолот" қурилиш фирмалари фаол иштирок этмоқда.

Mustaqillik mevasi

—Насиб этса, коллежни янги ўқув йилига топширамиз, — дейди "Ўзбекшахтақурилиш" трести қурилиш бошлиғи Умаржон Комилов. — Ўйлайманки, у шаҳримиздаги энг чиройли бино, замонавий таълим маскани бўлиб қолади.

Умаржон ака қарийб ўттиз йилдан бери қурилиш соҳасида ишлаб келади. Аммо у йирик иншоотлар ҳеч қачон бу қадар тез суръатда бунёд этилганини, қурувчиларнинг ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаганини эслолмас экан. Бу суръату бу фидойилик бесабаб эмас, албатта. Ахир коллеж илгариги тўртбурчак, қутисимон бинолардан фарқ қилади-да. У энг замонавий тарзда қуриляпти. Қолаверса, бу ерда ўзларининг фарзандлари ўқийди, касб-ҳунар эгаллайди. Коллежда маиший йўналишида 16 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

Қурувчилар замонавий ҳунар масканини ўз вақтида, сифатли битказиш учун бунёдкорлик соҳасидаги ноанъанавий усулларни ҳам дадил қўллашмоқда. Хусусан, қурилиш материаллари корхоналаридан темир-бетон конструкциялар тайёр ҳолда олиняпти.

"Ўзбекшахтақурилиш" трести қурувчилари эшик ва ромларни ҳам ўзлари ясаб ўрнатяпти. Бу шубҳасиз, вақтдан ютиш, давлат маблағларини тежаш имконини беради.

Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

ОРОМГОҲДА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

"Трамвайчи" ёзги болалар оромгоҳи шу кунларда 280 нафар болаларни ўз бағрига олган. Тошкент шаҳридаги спорт мактаблари ва спорт гуруҳларидан келган болалар мустақилликнинг тўққиз йиллиги байрами тантаналарига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

—Ҳар бир спортчининг байрамга пухта тайёргарлик кўришлари учун ҳамма шароитларни яратиб берганмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Лолахон Абдулазизова. — Улар режиссёрлар акаука Васильевлар раҳбарлигида акробатика ва спортнинг бошқа турлари бўйича турли хил кўринишларни ўрганишмоқда. Биз жамоамиз билан улар ишончини оқлаш учун бор имкониятларимизни ишга солиб меҳнат қилаяпмиз.

Taraddud

Оромгоҳни айланиб, спортчилар машқлардан бўш вақтларда ҳар хил кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

П.ЭРГАШЕВ

Ҳолбуки бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бериш керак.

И.КАРИМОВ

Istiqlol ma'rifati

ВАТАН ҚАНДАЙ СЕВИЛАДИ?

Иккинчи мақола

Ҳозир бу саволга мисол қидириб юришга ҳожат қолмади. Бунинг мисолини ўзимизнинг ўзбекнинг камгап, жасур, қаҳрамон беш ўғлони — **самарқандлик лейтенант Сайёр Саъдинов, сирдарёлик катта лейтенант Алишер Салимов, фарғоналик лейтенант Бобуржон Ғаниев, самарқандлик катта сержант Маъруфжон Ражапов, самарқандлик сержант Улуғбек Барноев** кўрсатишди. Уларнинг "Алвидо!", дегандек қалқиб кетаётган тобутларини кўтарган, ё кўрган ҳар биримиз "У мени деб ҳалок бўлди", дейишга бурчлимиз. Чунки улар Ўзбекистонимиз учун, ўзбекистонликлар учун жон беришди. Демак, бизни (халқини), Ўзбекистонимизни жонидан ортиқ севувчилар бор экан.

Бу мулоҳазаларни тарғибот-ташвиқот тилига ағдарсак, қандай ўзгаришлар талаб этилади. Аввало миллий мафкуранинг тарғибот-ташвиқоти жанговар режимга ўтиши зарур. Яъни, миллий мафкура Ватан, миллат учун зарарли ҳар бир нарсани кучли танқид остига олувчи, кўзи, қулоғи, сўзи ўткир реал кучга айланиши зарур. Миллат учун фойдали деганда ислоҳотларни, мустақилликни, миллий ва миллатлараро бирликни мустаҳкамловчи хатти-ҳаракат, фикрлар тушунилиши даркор. Миллатга зарарли деганда эса, юқоридагиларга зид бўлган ҳар бир нарса, хатти-ҳаракат ёки шундай ҳаракатларга бефарқлик тушунилмоғи зарур.

Президентимизнинг миллий ғоя, миллий мафкура тўғрисидаги дастурий фикрлари миллий бирлик масаласини очиқ муҳокама қилиш, ундан мустақилликни ҳимоялаш омили сифатида фойдаланишга йўл очиб берди. Зеро "... бизга ҳасад қилган ғаразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганлигимизни намойиш этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-эътиқоди синалади" (Ислом Каримов).

Тарихда миллатларнинг ҳаётида рўй берган бурилишларда иймон-эътиқод, Ватанга муҳаббат синалган. Чунки иймон ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) айтганларидек, кучайиб-сусайиб туради. Ўзгаришлар миллат характерида ҳам ўз изларини қолдиради. Масалан, боболаримиз можор сайёҳи Ҳерман Вамберида шундай таассурот қолдирган эканлар: "... "Ўзбек" деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, "мусулмонча тарбияланган" дегандек тушунилган. Яъни улар ...мусулмон — Осиё маданиятига йўл очишган; ўтроқ ва асл деҳқон; ҳарбий миллат; савдода оғир-вазмин, саноатда мўътадил; очиқ кўнгил, мард, жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга; совуққонликни одоб-ахлоқ намунаси ҳисоблайди...; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довюрак; тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади; давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган; ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади...; ўрта ёшга бориб қолган фарзанд-лар ҳам ўз ота-оналарига жуда ҳурмат-эҳтиромли бўлишади; ўзи 30-40 ёшларга бориб қолган ўғил ҳам отасининг бир қарашидаёқ сергак тортади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда биринчи ўтирмайди; биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар художўйлар ва болаларидан қунт талаб қилишади; муғомбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар; ашула ва мусиқани жон-дилдан севишади..." Ушбу тавсифнинг ўзи ҳам ўтган асрларда халқимизнинг жасоратли, мард, қўрқмас бўлганлигини кўрсатади.

Ислоҳот даврининг авлодлари оталарига нотаниш бўлган ўзгача воқеликда янги муносабатларга кириша бошлайди. Дастлаб қийналади. Бу табиий. Масалан, бундан 20 йил илгари минг-лаб ўзбеклар ўзларининг дўкондор, тижоратчи, миллионер бўлишини, дунё кезиб савдо қилишни, деҳқон қовунини Европага элтиб сотишни, фарзандларининг Япония, АҚШ, Англия, Германияда ўқишини фақатгина орзу қилардилар, холос. Миллий истиқлол бизни яхши яшаш учун ўзимизга ҳам, миллатга ҳам, давлатга ҳам фойдали тутум тутишга ўргатмоқда. Давлат, жамият ва шахс бирлигига ўргатмоқда. Бу жараён ўз ҳолига ташлаб қўйилса, миллатни жўшқин, бунёдкор, фидойи миллатга айлантириш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Чунки миллат характерида тоталитар тузумда зўрлаб сингдирилган мутелик, лоқайдлик ҳамон учраб турибди. Надоматлар бўлсинким, "Қаршисида бирон-бир тўсиқ, жиддий бир синов пайдо бўлганида ўзини буткул йўқотиб қўйиш ҳоллари сезилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎҚУВЧИ БИЛИМИ ВА МАСЪУЛИЯТ 2-БЕТ

ЯНГИ АЛИФБО ҚАНДАЙ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА? 3-БЕТ

САРҲАДИМИЗ ПОСБОНЛАРИНИНГ ҚЎШИҚ БАЙРАМИ 4-БЕТ

ЭЗГУЛИКНИНГ ДАВОМИ

"Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" номли ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлар фестивали бу даражада кенг қамровли ва доимий бўлади, деб ҳеч ким ўйламаган бўлса керак. Яқинда ушбу хайрия марафонидан тушган маблағлар сарфлана бошланди, деб хабар берган эдик.

Ташкилотчилар ва ташаббускорлар куни кеча Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг 6 тадан мактабларида бўлиб, мактаб ўқувчиларига спорт анжомлари тақдим этишди.

Ҳаммаси Ўзбекистон халқ артисти Ю.Усмонованинг мустақиллигимизнинг 8 йиллигига бағишлаб куйлаган қўшиғидан бошланди. Бу қўшиқ ёшу кекса тилидан тушмай қолди. Ўзбекистон ёшларининг ўз қўшиқлари бўлиши кераклиги ҳақидаги таклифдан сўнг, бу қўшиқ оммавий тарзда куйлана бошланди.

"Яхшиликнинг, эзгуликнинг қаноти бор", дейишади. Фестивал яхши ниятлар билан куйланган қўшиқни яна бир карра элга суюмли қилган бўлса, шу қўшиқ номи остида қилинаётган хайрли ишлар чекка-чекка қишлоқларда яшаб, таълим олаётган мактаб ўқувчиларини, қишлоқдаги ёшларни Ватан ҳақида чуқурроқ ўйлашга, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида қилинадиган савобли ишларда қатнашишга ундамоқда. Яна ҳам муҳими ёрдам бермоқда.

Ташкилотчилар — Олий Мажлиснинг Ёшлар қаноти фракцияси, Фидокорлар Миллий Демократик партияси ходимлари уч гуруҳга бўлиниб иш олиб бордилар.

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги 22-, Жалолқудуқ туманидаги 33-, Балиқчи туманидаги 17-, 46-, Олтинкўлдаги 7-, Пахтаободдаги 10-мактаб ўқувчилари футбол дарвозаси, волейбол устуни, турли ўлчамдаги турник, волейбол ва футбол тўпларига эга бўлишди. Улар ўз меҳнатлари билан ушбу анжомларни спорт майдончаларига ўрнатишди. Бу ишларда уларга қишлоқ аҳлининг катта-кичиги ёрдам берди.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 7 та мактаб ҳам худди шундай анжомлар соҳиби бўлди.

Вилоятнинг Учкўприк туманидаги Чанг қишлоғи — ҳам туманнинг, ҳам вилоятнинг энг чекка қишлоғи. 3000 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу ҳудудда туман халқ таълими бўлимига қарашли 27-мактаб жойлашган. Мактабда 631 нафар ўқувчи таълим олади.

Мактаб директори Абдусамат Мазоҳидовнинг таъкидлашича, мактабда спорт жиҳозлари етишмас эди. Болалар футбол, волейбол ўйинларини мослаштирилган майдонларда ўйнашарди. Мана энди ушбу жиҳозлардан унумли фойдаланиб, мактаб туман мактаблари ўртасида спорт соҳасидаги етакчи мактаблардан бирига айланиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда)

Бугун юртимизга, минтақамизга, бутун жаҳонга хавф солаётган халқаро терроризм ҳақида халқимиз, оддий одамлар қай даражада тушунчага эга? Уларнинг кейинги, асл башараси, ёпиб олган ниқоблари халқимизга қай даражада кўрсатиб берилмоқда. Бу ишда жойлардаги "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказлари, оммавий ахборот воситалари нечоғлик фаолият кўрсатмоқдалар. 15 август куни республика "Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган "Халқаро терроризм ва унинг минтақамизга таҳдиди" мавзуидаги илмий-амалий семинарда юқоридаги саволлар юзасидан фикр алмашди."Маънавият ва маърифат" жамоатчилик мар-

ДЎСТИМ, ОГОҲМИСАН...

казлари, ходимлари бир қанча газета ва журналлар бош муҳаррирлари иштирок этган бу анжуманни республика Маънавият ва маърифат кенгаш масъул котиби Асл-иддин Болиев бошлаб берди. Шундан сўнг, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Тошкент шаҳар "Маънавият ва маърифат" кенгаши раҳбари Рихситилла Акрамов, сиёсатшунослик фанлари доктори Рустам Жумаев, сиёсий шарҳловчи Қуддус Аъзамов ва Насриддин Муҳаммадиев, халқаро терроризмнинг моҳияти, уни оддий одамларимизга тушунтириб бериш кераклиги, бу ўринда ОАВнинг фаол бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдирдилар. Шоира Зулфия Мўминованинг "Дўстим, огоҳмисан, огоҳмисан, айт!" хитоби-ла ўқиган шеъри барчани огоҳликка, ҳушёрликни янада оширишга ундади.

Ҳ. НИШОНОВ

ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

САРИОСИЁ. (ЎзА мухбирлари Мусулмон Намозов ва Чори Тўхтаев хабар қилади). Сариосиё ва Узун туманининг тоғли ҳудудларида халқаро террорчилар гуруҳини тугатиш борасидаги операция режага биноан давом этмоқда. Қолган-қутган террорчилар беркиниб олган ғорлардан чиқишга мажбур бўлмоқда. Сабаби, террорчиларнинг радиосўзлашувларидан маълум бўлмоқдаки, уларнинг озиқ-овқати тугаган, ярадорлари учун дори-дармон етишмаяпти, кўмилмаган мурдаларнинг қўланса ҳидидан ғорда туриш мумкин бўлмай қолган.

Шу боис душман яширениши мумкин бўлган жойлар зенит тўплари, миномётлар ва ҳаводан бомбардимон қилинмоқда. Қўшинларимизнинг барча ҳаракати аскарларимиз орасидан қурбонлар бермасликка қаратилган. Жангларда бевосита иштирок этаётган аскар ва офицерларнинг руҳи тетик. Тозалаш тадбирлари давом этаётган ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли пастга кўчирилмоқда. Кўчириш ишларини Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (ФВВ) Сурхондарё вилоят бошқармаси режага асосан ташкил этган. Кўчирилганлар ҳозирча Сариосиё ва Узун туманларидаги махсус лагерларга жойлаштирилмоқда. ФВВ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда кўчирилганларни иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминлади. Тиббий назорат ташкил этилган. Ўзаро суҳбатларда кишилар халқнинг тинч ҳаётини нотинч қилган террористларга нисбатан қаҳру ғазабини билдираётир.

Огоҳликка даъват 15 август куни Сариосиё туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишининг бош мавзуси бўлди. Йиғилишда сўзга чиққанлар террорчиларнинг босқинчилик ҳаракатларини кескин қораладилар, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда бир жону бир тан эканликларини изҳор қилишди. Жамоатчиликни янада ҳушёр бўлишга даъват этишди.

Биз ҳам Г.Хидиров номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдик. Мана уларнинг фикрлари:

— Террорчиларнинг нияти одамларни тинч меҳнатдан чалғитиш, юрагига ваҳима солиш, — дейди пудратчи Авайдулло Отауллоев. — Лекин одамларимиз қўрқаётгани, ваҳимага тушаётгани йўқ. Бу билан каллакесарларни маънавий жиҳатдан енгдик. Ҳарбий жиҳатдан эса босқинчилар эрта-индин мағлуб бўлишига ҳамманинг кўзи етиб турибди.

– Афсуски, ёшим етмишдан ошиб, кексайиб қолдим,– дейди меҳнат фахрийси Шафоат ота Ниёзов. – Қўлимга қурол олиб, баттолларнинг адабини беришим қийин. Лекин шу кунлари бузғунчилардан биронтасини учратсам, ҳассам билан бўлса ҳам уриб ўлдирардим. Ота-онага қарши борган, уларга қўл кўтарган оқпадар бўлади. Ватанга қўл кўтарган, бегуноҳ одамларнинг ҳаётига тажовуз қилган одам-чи? Бундайларнинг икки дунёси ҳам куйиб кетади.

(ЎзА)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони чиқди.

• "Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

• АҚШда шу йилнинг ноябрь ойида мамлакатнинг 42-президентлигига бўлиб ўтадиган сайловлар учун демократлар партиясидан ҳозирги вице-президент Альберт Гор ҳамда республикачилардан АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушнинг иккинчи ўғли, Техас штатининг губернатори кичик Жорж Буш ўртасида кураш кетмоқда.

• Буюк Британия полицияси томонидан террорчиларга қарши мамлакат пойтахти Лондонда ўтказилган амалиётлар чоғида уч киши ҳибсга олинди.

• Россия президентининг ёрдамчиси Сергей Ястржембскийнинг таъкидлашича, қўлга олинган 4 нафар қуролланган жангарилар Чеченистон пойтахтида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун республиканинг тоғли ҳудудларидан Грознийга тушиб келишган.

Нега уйимизга бесўроқ бостириб кирган шумқадамни бир лаҳзада ташқарига итқитиб ташлаймиз-у, Ўзбекистонимизга ёв ёвуз ният билан, бесўроқ кирибди-ю, лоқайдмиз? Нега?!

"Тенгдошларимиз чиройли, ҳамма қулайликларга эга бўлган майдонларда футбол ўйнаётганлигини телевизор орқали кўриб, "биз ҳам қачон шундай чиройли майдонларда тўп тепар эканмиз", деб орзу қилардик.

ВАТАН ҚАНДАЙ СЕВИЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундай вазиятга тушиб қолганда халқидан, Ватанидан, иймон-эътиқодидан осонгина кечиб юбораётган кимсаларни ҳам кўриб турибмиз" (И.Каримов).

Миллат орияти ҳам, муҳаббати ҳам, нафрати ҳам фавқулоддаги ҳолатларда намоён бўлади. 1999 йилнинг 16 февралида миллатнинг мустақиллигимиз душманларига нафрати кўринди. Террористлар миллатимизни ҳақорат қилишди. Ўша куни миллат орияти титради. Миллат биринчи марта ўзига-ўзи танқид кўзи билан тик қаради. Феълидаги лоқайдликдан, иллатлардан ичдан уялди. Ахир ваҳобию ҳизбичилар бир кунда пайдо бўлмади-ку. Буни кўриб, эшитиб, билиб, "Менга тегмаса бўлдида", деб индамаганидан изза бўлди.

"Биз" деган сўзнинг салмоғи ҳам ўша кунлари бошқача бўлди. Юраклардан юракларга сизиб, сузиб ўтди. Буни миллатнинг дадил қизларидан бири, жиззахлик Шарофат Хидирова 17 феврал куни айтди: *"Кечадан буён оромим йўқ. Қандайдир ички туғёнлар сира тинчлик бермаётир. Мазкур туғёнларни бутун тенгдошларимга қарата айтгим келди: Мамлакатимиздаги барқарорликнинг қадрига етинг. Атрофингизга зийракроқ назар ташланг... замон барчамиздан фидойиликни талаб қилаяпти. Лоқайдликдан сақланинг. "Менга тегмаса бўлди-да" деган фикрдан йироқ бўлинг. Ўрмонга ўт тушса хўлу қуруқ баробар ёнишини ёдингиздан чиқарманг".* **("Феврал воқеалари"** китобидан). Лекин оталаримиз, қизларимиз, сингилларимизнинг меҳрли сўзлари, ёшга тўлган кўзлари бизни бироз жунбушга келтирдию... яна тинчлик, хотиржамликда, "ўғлимга уй қурай, неварамнинг тўйини қилай, бошқалар бор-ку", деб ғафлат чопонига ўрандик. Ҳа, айнан иссиқ, тинч ғафлат чопонига. "Ахборот" дастурида 2000 йилнинг 26 июнида ваҳобийлар тўдаси устидан суд ҳукм чиқарганини ёнбошлаб кузатиб ҳам "менга тегмади-ку, шукр" деб чойни хўпладик. Шу йил 7 август куни ЎзА "Юзга яқин террорчи Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш учун тўплана бошлади", деган хабарни тарқатди. Ўзбекнинг беш ўғлони Ватан деб жон берди. Ватан туйғуси ҳеч бўлмаса энди жўш урмоғи керак эмасми?

Бугунги ўзбекларнинг мафкураси қандай? Юраги ўзининг, бола-чақасию, машинаси, қавм-қариндоши, участкаси ташвиши билан тўлган ўзбекларми? Ёки беш қаҳрамонимиздан ибрат олиб, юрагига бутун Ўзбекистонни, ҳар бир ўзбекистонликни жо қилган ўзбекларми? Сиз қай бирини кўришни истайсиз? Албатта, ватанпарвар, жасоратли, кўрқмас миллатни дейсиз. Чунки тарих ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, саховати ва хушмуомалалигига тан бериб қўйган. Ҳозир вазият биздан Жалолиддин бобомиздан мерос жасоратни, ёвга нафратни, Темур бобомиздан қолган ғайратни кўрсатиб, душмандан қўрқмай, тик қараб, иродамиздан пўлат девор яратишимизни талаб қилмоқда.

Дўстга меҳмондўстлик, мулозаматни ниятда ҳам, сўзда ҳам, қўлда ҳам қотирамиз. Душманга нафратни, ғазабимизни-чи? Нега уйимизга бесўроқ бостириб кирган шумқадамни бир лаҳзада ташқарига итқитиб ташлаймиз-у, Ўзбекистонимизга ёв ёвуз ният билан, бесўроқ кирибди-ю, лоқайдмиз? Нега?!

Дўстларга муҳаббатимиз қанча бўлса, ёвга нафратимиз ҳам шунча бўлиши керак-ку! Нега баъзи ҳолларда ўзбекнинг ватанпарварлиги — ўз ҳовлисини, миллатпарварлиги — оиласини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолган? Сабаби — миллий бирлик, миллий бурчни англаш қийин бўлаётганлигида эмасмикин?

Озодлик — огоҳликнинг баҳоси, эвази. Молу давлат ширин, лекин жондан ширин эмас. Жон ширин, лекин ор-номусдан ширин эмас. Бирлашган миллат ўлимдан қўрқмайди. Мустақиллиги учун керак бўлса, ичи ачимай, ўз ихтиёри билан жонини беради. Бундай миллат ичига ёв кира олмайди. Қўрқади. Бир жону бир тан миллатнинг ҳар бир ўғли, қизи ўзини, юртини қўриш учун ёзу қиш, кечаю кундуз тайёр. Чунки бу тупроқда унинг азизлари — ота-боболари, она-момолари кўмилган, ўзи яшаяпти, болалари улғаймоқда.

Биз "Фалон киши Ватан учун жон фидо қилди", деб айтамиз. Бу иборани миллий ғоя ва миллий мафкура талабларидан келиб чиқиб "миллат ва Ватан учун жон фидо қилди" десак, янада таъсирчан бўлмасмикан? Чунки Ватан бу — миллатнинг юрти, уйи-ку?! Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар ҳақида ҳам "улар миллат учун жон бердилар", десак тўғри чиқар? Беҳбудийнинг васиятларини ўқисак, шунга амин бўламиз. Демак, одамнинг жонидан ҳам азиз нарсалар бор экан. Шулардан бирини Миллат Шарафи деб атасак бўларкан. Соҳибқиронимизнинг "Миллат дардига дармон бўлиш, вазифангиздир" деган васияти шумқадамлар йўқолмагунча ҳар бир ўзбекистонликни ухлатмаслиги керак.

Оғзи бир, мақсад-маслаги бир миллат Буюк келажакка тез ва соз етади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг "Бу умматим аввалда нима билан кўтарилган бўлса, охирида ҳам шу билан кўтарилади", деган ҳадисларини Алихонтўра Соғуний бобомиз уч ишга боғлаб талқин қилган эди. Булар биринчи — иттифоқлик, иккинчи — замонавий илм-ҳунарни ўрганиб, ҳар ишнинг сабабларини имконият борича тўлиқлаш, учинчи — душман қаршисида ўлимдан қўрқмасликдир. Душманга қарши курашнинг энг яхши мафкуравий қуроли — миллатнинг иттифоқлиги (бирлиги) ва ўлимдан қўрқмаслиги экан. Демак, ҳозир бизнинг ички бирлигимиз, жасоратга тайёрлигимиз ҳам синовдан ўтмоқда.

Чунки диний ақидапарастлар миллатимизни яна бўлиб ташлаб, эгалик қилиш учун ўз болаларимизни ўзимизга, фарзандларни отасига қарши гиж-гижламоқда. Лоқайд бўлсак, бизни яна бўлиб ташлашади. Уларга бизнинг лоқайдлигимиз керак. Демак, бугун ким бефарқ, лоқайд бўлса, у душманнинг ёрдамчисидир.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори

Hay'at yig'ilishida

ЎҚУВЧИ БИЛИМИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Аввал хабар берганимиздек, 12 август куни республика халқ таълимидаги раҳбарларнинг йиғилиши вазирликнинг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси шаклида давом эттирилди. Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Рисбой Жўраев очди ва олиб борди. Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов кун тартибидаги масала — "Республика умумий ўрта таълим мактабларида Давлат таълим стандартларини жорий этишнинг аҳволи ҳамда бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" батафсил сўз юритди.

Маърузачи ўтган 1999-2000 ўқув йили "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Президент Фармонлари, ҳукумат ва вазирлик қарорлари талаблари асосида таълим тизимининг турли йўналишларида ижобий ўзгаришлар қилиш, янгиликларни босқичма-босқич жорий этиш мақсади билан якунланганини таъкидлади.

Сирасини айтганда, умумий ўрта таълимни Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини нашр этиш, таълим муассасалари жамоаларига бепул тақдим этиш учун ҳукуматимиз томонидан 200 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Давлат таълим стандартлари ва дастурлар вазирликнинг "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг 7 та махсус сонлари сифатида 350 минг нусхада чоп этилди ҳамда барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказилди.

Вазирлик, жойлардаги таълим бошқаруви органлари ва муассасалари томонидан улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этишни ташкил этиш, бу борадаги ҳукумат ва таълим бошқаруви органларининг қарор, буйруқ, кўрсатма ва тадбирлари ижросини назорат қилиш, ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган кўрсаткичларга эришиш даражаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли методик ёрдам кўрсатиш мақсадида халқ таълимида мониторинг тизими шакллантирилди. Қисқа муддатда республика, вилоят ва туманлар миқёсида мониторинг марказлари, таълим муассасаларида мониторинг хоналари ташкил этилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Фаолиятнинг кўнгилдагидек йўлга қўйилганлиги жиҳатидан Андижон, Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги мониторинг марказларини қайд этиш мумкин. Айниқса, Андижон вилоятидаги Марҳамат ва Самарқанд вилоятидаги Пайариқ туманлари халқ таълими бўлимларида ва таълим муассасаларида ташкил этилган мониторинг марказлари ва хоналарида олиб борилаётган ишлар ибратли даражададир. Бу туманларда ДТСни жорий этиш ва ижроси мониторингини олиб бориш, ДТСни ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида тарғиб қилиш борасида ҳам кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

ДТС ва янги ўқув дастурлари жорий этилиши муносабати билан педагог-ходимлар малакасини ошириш институтлари ўқув режаларига ўзгартиришлар киритилди, янги курслар ташкил этилди, вилоят, туман(шаҳар) ва таълим муассасалари миқёсида тегишли ўқувлар жорий этилди.

Энг муҳими, умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини таълим жараёнига жорий этиш, янги ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини ўрганиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида вазирликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси, жойлардаги мониторинг хизмати ходимлари томонидан вилоятлар, туманлар ва таълим муассасалари кесимида кенг қамровли мониторинг ишлари олиб борилди. Вилоятларда ўтказилган мониторинг жараёнида иштирок этган 6141 нафар бошланғич синф битирувчилари ва 36612 нафар 5—6-синф ўқувчиларининг ДТС асосидаги янги ўқув дастурларини ўзлаштиришдаги таълим самарадорлиги аниқланди.

Нотиқнинг қуюниб таъкидлашича, бошланғич таълим бўйича мониторинг жараёнида қатнашган ўқувчиларнинг саводхонлик кўрсаткичлари 86,6 фоиз, математика бўйича 83,1 фоиз, ҳаётий кўникмалар бўйича эса 83,6 фоизни ташкил этди.

Бошланғич таълимнинг саводхонлик бўйича таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларда хуснихат, ўқиш ва ўқиганларини тушуниш кўникмалари етарли даражада шакллланган, уларнинг луғат бойликлари белгиланган мезонларга мос келиши, лекин берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзма баён этишларида (29 фоиз) муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Математикадан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, оғзаки санаш, оддий арифметик амалларни бажариш, натурал сонларни таққослаш кўникмалари ўқувчиларда яхши шаклланганлиги маълум бўлди. Бироқ ДТСда кўзда тутилган геометрик шаклларни аниқлашда, юза ўлчов бирликларини қўллашда ўқувчиларнинг кўникмалари (23,7 фоизида) етарли даражада шакллантирилмаган.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини 5—6-синфларда ўзлаштиришдаги таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган мониторинг натижаларининг таҳлилига кўра, ўқув фанлари бўйича кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: адабиёт — 73,5 фоиз, инглиз тили — 73,2 фоиз, география — 73,1 фоиз, математика — 71,6 фоиз, биология — 70,8 фоиз, Ўзбекистон тарихи — 70,4 фоиз, ўзбек тили — 69,8 фоиз, физика — 69,6 фоиз, она тили — 69,1 фоиз. Ўқув фанлари бўйича олинган натижалар ДТС талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Маърузада бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, ДТС ва янги ўқув дастурлари асосидаги ўқув-методик таъминотнинг етарли даражада эмаслиги, ўқув фанлари бўйича ДТС асосида ҳар бир синф учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган минимал талаблар ишлаб чиқилмаганлиги, намунавий назорат материаллари тайёрланиб, жойларга етказилмаганлиги, деб қайд этилди.

Мониторинг натижаларининг вилоятлардаги таҳлили Бухоро вилояти (79,4 фоиз), Тошкент вилояти (78,6 фоиз), Тошкент шаҳри (78,2 фоиз) ва Хоразм вилояти (77,2 фоиз) мактабларида ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари нисбатан юқорилигини кўрсатди. Сирдарё (51,3 фоиз) ва Сурхондарё (60,9 фоиз) вилоятлари ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги таълим самарадорлиги эса паст даражада эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, Боёвут, Мирзаобод, Челак туманлари ва Навоий, Термиз шаҳарлари халқ таълими бўлимларига қарашли таълим муассасалари ўқувчиларининг ўзлаштиришлари ҳам талаб даражасида эмас. Қисқаси, бу масалалар ўқитувчиларнинг август кенгашларида кенг таҳлил қилинади, вазифалар белгилаб олинади.

Ҳайъат мажлисида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари халқ таълими бошқармалари ҳамда Навоий шаҳри ва Самарқанд вилояти Челак ва Навоий туманлари халқ таълими бўлимлари мутасаддиларининг "аҳволни ўнглаш тўғрисида"ги масала юзасидан ҳисоботи тингланди. Айниқса, Челак ва Навоий туманлари ХТБ мудирлари шаънига туман халқ маорифи муаммоларини билмаслиги тўғрисида аччиқ, аммо очиқ гаплар айтилди. Асосийси, барча-барча учун ўғил-қизлар билимини юқори даражага кўтариш асосий мақсад эканлиги таъкидланди.

Мажлис якунида халқ таълими вазири, ҳайъат мажлиси раиси, Рисбой Жўраев ҳайъат мажлиси қарорини мукаммал ҳолга келтириш ва сўнгра уни қабул қилиш таклифини киритди. Шу билан бирга у келажакдаги масалалар ечимига тўхталди, йиғилганларни эса мудроқликдан уйғонишга даъват этиб, улар олдига ҳам қатор вазифаларни қўйди.

МУХБИРИМИЗ

ЭЗГУЛИКНИНГ ДАВОМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилшод Каримов ўз қувончини шундай изҳор қилди: "Тенгдошларимиз чиройли, ҳамма қулайликларга эга бўлган майдонларда футбол ўйнаётганлигини телевизор орқали кўриб, "биз ҳам қачон шундай чиройли майдонларда тўп тепар эканмиз", деб орзу қилардик. Бугун шу орзуимиз ушалди. Спорт инсонга соғломлик, кучлилик бахш этади. Спорт билан шуғулланган бола ўз юртини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қила олади".

Холдор Қаҳҳоров, Чанғқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси: "Биз "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" фестивалини телевизор орқали томоша қилдик. Лекин, ушбу марафондан тушган маблағлар сарфланаётган пайтда, бизнинг қишлоққа ҳам шундай ажойиб спорт анжомлари келтирилади, деб ўйламагандик. Бугун қишлоқ аҳлининг барчаси хурсанд. Бу жиҳозлар нафақат мактабники, балки қишлоқ ёшлариники ҳамдир".

Дарҳақиқат, спорт юртни дунёга жуда тез танитадиган восита. Спорт — соғломлик омили. Спорт билан болаликданоқ ошно бўлиш, жуда муҳим нарсаларни қўлга киритишга восита бўлади. Спорт билан мунтазам шуғулланган инсон энг аввало чидам ва матонатни, ғурурни ҳис қилишни, олис ва юксак чўққиларни кўзлашни, мақсад сари дадил ҳаракат қилишни ўрганади. Риштон туманидаги 12-мактаб ҳам энг чекка қишлоқда жойлашган. 640 нафар ўқувчи таълим оладиган масканда, спорт жиҳозлари деярли йўқ эди. 640 нафар қоракўзнинг қувончи ўша куни бутун қишлоқ аҳлига "юқди".

Бундай қувонч вилоятнинг Ўзбекистон туманидаги 27-, Ёзёвондаги 8-, Охунбобоев туманидаги 5-, 26-, 32-мактаблар ўқитувчи ва ўқувчиларига ҳам бегона бўлмади.

Охунбобоев туманидаги 3 та мактабнинг спорт жиҳозларига эга бўлишлари қувончли ҳол. Буни Фидокорлар Миллий Демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши биринчи котиби Қосимжон Орзибобоев қуйидагича изоҳлади: "Бу туман вилоятнинг чўл ҳудудида жойлашганлиги ҳамда туманнинг бошқа туманларга нисбатан янги ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, тумандаги 3 та мактабга спорт жиҳозларини топширишга қарор қилдик. Бу хайрли ишларнинг бошланиши. Мактаб маҳалла ҳамкорлигини доимо давом эттирамиз ҳамда фарзандларимизни билимли, кучли, ақлли, доно қилиб тарбиялаймиз. Бу ишларда спорт бизга энг катта ёрдамчи ва ҳамроҳ бўлади".

Наманган вилоятининг Чуст туманидаги 12-, Поп-даги 44-, Чортоқдаги 30-, Мингбулоқдаги 35-, Косонсойдаги 29-, Учқўрғондаги 13-мактаблар ҳам янги ўқув йилида ўқувчиларини янги спорт майдончалари билан кутиб оладиган бўлди. Анжомларни тақсимлашда вилоят ҳокимликлари, Фидокорлар Миллий Демократик партияси вилоятлар кенгашлари, вилоят халқ таълими бошқармалари холислик мезонлари асосида иш юритдилар.

Ушбу тадбирда Президент Девони масъул ходими Шерзод Қудратхўжаев, ФМД партияси Марказий Кенгаши котиби Атҳам Турсунов, Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Зайниддин Икромовлар қатнашдилар.

"Бугунги кунда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш яхши йўлга қўйилган. Лекин сир эмас, бу соҳадаги асосий муаммоларимиз мактабларда спорт жиҳозларининг етишмаслиги ва йўқлиги эди. Бундай хайрли ишни бажараётган ташкилотчиларга халқ таълими ходимлари номидан миннатдорчилик билдирамиз. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлаштириш, аввало мактаблардан бошланади. Энди мактаб ўқувчилари орасида биз истаган, биз орзу қилаётган спортчилар шаклланади", деди Зайниддин Икромов.

Тадбир давом этади. Яқин кунларда Бухоро ва Навоий вилоятлари мактаблари ҳам шундай совғага эга бўладилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Зангиота туманидаги 45-мактабда ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш хонаси мавжуд. Мактаб ўқувчилари бу ерда ёз кунларида ҳам турли хил касбларнинг сирларидан воқиф бўлмоқдалар. Айниқса, қизларнинг энг севимли машғулотлари миллий каштачилик тўгарагида ўтаяпти.

Суратда: қизлар кашта тикишмоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Ta'lim fidoyilari

МУАЛЛИМЛАР МУАЛЛИМИ

Ёши бир жойга бориб қолган подшо кунларнинг бирида уламосини ёнига чақириб, шундай дебди:

—Олтмишдан ошдим. Умрнинг кўпи кетиб, ози қолди. Қирқ йил салтанат қуриб, дунё сўрадим. Бу ёруғ оламнинг мен татиб кўрмаган шарбати қолмади. Лекин умр нима, дунё нима, тагига ета олмадим. Менга дунё ва умрнинг мазмунини битиб келтиринг...

Олимлар чанг босган кўҳна китоблар ичига шўнғиб кетибдилар. Ҳалиги масала ҳақидаги илмнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай, қирқ туя китоб қилиб, подшога етказибдилар. Лекин уни ўқиб чиқишга подшонинг қолган умри етмас эди. "Бир китобга жамлаб келтиринг!" — буюрибди шоҳ. Олимлар яна узоқ тер тўкишибди. Бироқ уламо қайта шоҳ ҳузурига келганда, у ўлим тўшагида ётар эди.

Шоҳ уламосига маъюс назар ташлабди. "Китоб мазмунини икки оғиз сўз билан айтинг, токи армон билан кетмагайман",-дебди шоҳ. Олимлар пешвоси дунёнинг мазмунини ва тарихини икки оғиз сўзда шундай таърифлаган экан: "Одамлар келдилар, кетдилар!".

Аллома ижодкор Саъдий дунёни "карвонсарой", "кўҳна работ" деганида шу нақлни кўзда тутган эди. Бу нақл ҳозирда афсона бўлиб қолди. Дарҳақиқат, инсон дунёдан беиз кетмайди. Зеро, деҳқондан боғ-роғ, қурувчидан азим обидалар, олимдан илму дониш, шоирдан шеъру достон, муаллимдан беҳисоб шогирдлар қолади. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳотам Иноғомовнинг қирқ йиллик заҳматли, лекин шарафли ўқитувчилик фаолияти, босиб ўтилган сермазмун ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, юқоридаги ибрат ёдга тушади. Устоз Низомий номидаги педагогика олийгоҳида ўқигач, 1967 йилдан буён Тошкент туманидаги 9-мактабда бошланғич синф, она тили ва адабиёти ўқитувчиси, тарбиявий ишлар бўйича директор муовини, директор лавозимларида хизмат қилиб келмоқда. Унинг таржимаи ҳолининг бор-йўғи шу.

Бироқ, устоз шу даврлар мобайнида рисоладагидек бир инсон амалга ошириши лозим бўлган ишларни қилиб улгурди. Иморат қурди. Фарзандлар вояга етказди. Дарахтлар экди. Шогирдлар етиштирди.

Устознинг оилада меҳрибон ота сифатида ҳам қадри ва ҳурмати баланд. Турмуш ўртоқлари Маъсуда опа билан беш нафар фарзандларни тарбиялаб, уйли-жойли қилган. Улар ҳаётда ўз ўринларини топганлар. Қобил шу мактабда расм-чизмачиликдан дарс бермоқда, Комил товаршунос, қизлари Нигора, Гулнора ва Наргизалар тикувчи.

Ҳозирда мактабда 84 нафар ўқитувчиларнинг 38 нафари Ҳотам аканинг шогирдларидир. Улардан 12 нафари олий тоифали муаллимлар ҳисобланишади. Айни чоғда, 3-синф ўқувчиси Шаҳноза Мирсоатова каратэ бўйича Осиё чемпиони, Отабек Асатуллаев республика иқтидорли ўқувчиси, Рустам Содиқов эса футбол бўйича Ўзбекистон республикаси миллий терма жамоаси аъзоси. Шунингдек, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари "Баҳс", "Ўйла, изла, топ", "Қувноқ стартлар", "Маҳалламиз болалари" телекўрсатувларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Энди орамиздаги баъзи одамлар фикрига қулоқ тутайлик:

Ў. Маҳмудов, туман халқ таълими бўлими мудири.

—Бу мактабда ҳозирда 16 нафар Ўзбекистон халқ таълими аълочиси бўлган ўқитувчилар ишлашмоқда. У кишининг раҳбарлигида мактабда ўқув-тарбиявий ишлар юқори поғонага кўтарилди, дарс самарадорлиги ошди. Замонавий дарс усулларидан фойдаланиш, замонавий фан хоналарини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. У туман ХТБнинг кенгаш аъзоси сифатида мактаб раҳбарларига бош-қош бўлиб келмоқда. У кишининг меҳнатлари ҳам муносиб равишда тақдирланган. Ҳотам ака Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, "Меҳнат фахрийси", "Халқ маорифи аълочиси" каби юксак унвон ва нишонларга сазовор.

И.Фозилов, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги раиси:

— Ҳотам ака ҳалол инсон, ҳеч тиниб-тинчимайдиган куюнчак раҳбар. Унинг ташаббускорлиги, фидоийлиги ҳамда биз-нинг саъй-ҳаракатимиз билан мактабга 1250 ўринли замонавий янги бино қурилди. Фан хоналари ҳам замонавий жиҳозланди. Устознинг саъй-ҳаракати билан кўплаб муаллимларга ер участкаси берилди. Вақти билан улардан хабар олиб турамиз...

Баҳодир ВАЛИЕВ,
олий тоифали муаллим, "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишони соҳиби

"ЖАСЛИҚ" ҚУЧОҒИ — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги Қ.Авезов номли жамоа хўжалиги боғида жойлашган "Жаслиқ" болалар оромгоҳида ўқувчиларнинг ёзги таътилни ҳар томонлама намунали ўтказишлари учун барча қулай имкониятлар яратилган.

Дарвоқе, биз оромгоҳни тарбия ўчоғи деб бежиз айтмадик. Гарчанд қисқа муддатда — ёз мавсумида фаолият кўрсатадиган оромгоҳлар ўз ишини мазмунли ва қизиқарли олиб борсалар, болалар тарбиясига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. "Жаслиқ" болалар оромгоҳи айнан шу жиҳатлари билан таҳсинга лойиқдир.

Оромгоҳда бутун ёз давомида уч босқичда, жами 300 нафар бола ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. "Соғлом авлод йили"да оромгоҳларга асосан кам таъминланган оила фарзандларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор берилаётганлигини "Жаслиқ" оромгоҳи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввало, бу ерда озиқ-овқат билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Болалар ҳар куни тўрт марта иссиқ овқат ейишади, боғ меваларидан баҳраманд бўлишади. Оромгоҳ ҳудудида ер остидан мисли булоқ каби илиқ, минерал моддаларга бой сув чиқиб турибди. Унда болалар яйраб чўмиладилар.

Оромгоҳда турли тадбирларнинг, тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилишида оромгоҳ бош етакчиси Лола Қунназарова, етакчилар Бийбажар Рашидова, Зина Қабулова ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Кўчма кутубхона болалар хизматида. Деярли ҳар куни гуруҳ болалари ўртасида ўткир зеҳнлилар мусобақаси, ўйинлар, турли хил спорт беллашувлари ўтказилиб турилади.

Яқинда Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси тарих-ўлкашунослик музейининг ходимлари оромгоҳга ташриф буюриб, қорақалпоқ халқининг миллий либос-кийимлари, ҳунармандчилик буюмлари, миллий тақинчоқ ва безак-нақшлари ҳақида сўзлаб беришди. Албатта, бундай учрашувлар болаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда беиз кетмаслиги шубҳасиздир. Бундан ташқари, Нукус шаҳридаги қўғирчоқ театри жамоаси оромгоҳга келиб, болаларга қизиқарли томошалар кўрсатди. Оромгоҳ болалари Қ.Авезов номли жамоа хўжалигидаги тарихий-ўлкашунослик музейига, Қоратеренг кўлига саёҳат қилишиб, олам-олам завқ олишди. Ёшлар бизнинг келажагимиз экан, улардан ҳеч нарсани аямаган жойда тараққиёт давом этаверади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

Дўстлик, Пахтакор, Арнасой, Зарбдор, Зафаробод туман ҳокимларининг қарорига асосан мактабгача таълим муассасаларига 1,5 гектардан 5 гектаргача ер майдонлари ажратиб берилган.

Энг муҳими, дарслик ва қўлланмаларни талаб даражасида қайта ишлаш, такомиллаштириш, янги ўзбек алифбосининг имло қоидалари асосида қайта кўриб чиқиш мақсадида муаллифлар гуруҳи шакллантирилган.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Жиззах вилояти таълим муассасаларида мактабгача таълим муассасаларида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида талайгина ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.

Боланинг ақлан ва жисмонан шаклланишида мактабгача ёшдаги даври катта аҳамиятга эга. Бу даврда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандлар тафаккури таркиб топаётган вақтда уларга тўғри тарбия бериш, билим олишларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир.

— Вилоят ҳокимининг жорий йилнинг 3 майидаги "Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 161-сонли қарорининг қабул қилиниши вилоятда мактабгача таълимни ривожлантиришга яхшигина туртки бўлди, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим бўлими мутахассиси Рўзи Шарипова. — Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ярим йиллик натижаларидан маълум бўлишича, болаларни таълим муассасаларига жалб этиш 9 фоиздан 13,3 фоизга кўтарилган.

Вилоятда мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда 4 мингга яқин болани қамраб олган саводхонлик марказлари, якшанбалик мактаблари ташкил этилди. Шунингдек, мактаблар, болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказлари, маҳаллалар қошида ҳам "Кичкинтой", "Мактабга тайёрмиз" каби марказларда 14 минг бола, оилаларда эса 3 мингга яқин бола мактабга тайёрланмоқда. Айниқса, бугунги кунда жамоат ташкилотларини мактабгача таълим масалаларини ҳал этишга қаратиш борасида Жиззах шаҳри, Жиззах туманида маҳаллалар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Вилоятдаги 10 дан ор-

Tajriba

тиқ мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари ва болаларнинг қизиқиши ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб олиб борилаётир. Туманларда бир неча йўналишли таълим муассасалари ташкил қилинган. Жумладан, Зомин туманидаги 2-"Шодлик" болалар боғчаси иқтисодий таълим бўйича, 6-"Ниҳол" болалар боғчаси миллий қадриятлар ва эстетик тарбия бўйича, 8-"Бинафша" болалар боғчаси экологик йўналишлар бўйича таълим-тарбия ишларини олиб бормоқдалар. Дўстлик туманидаги "Бинафша" санаторий типидаги боғчада соғломлаштириш маркази, "Гулдаста" ва "Юлдузча" болалар боғчалари қошида ривожлантирувчи марказлар ташкил этилди.

Вилоятда соғлом авлод йилига бағишлаб турли мавзуларда мусобақалар, учрашувлар, тадбирлар ўтказилаётир. Дўстлик, Пахтакор, Арнасой, Зарбдор, Зафаробод туман ҳокимларининг қарорига асосан мактабгача таълим муассасаларига 1,5 гектардан 5 гектаргача ер майдонлари ажратиб берилган. Таълим муассасалари ходимлари бундан унумли фойдаланиш чораларини белгиладилар. Улар полиз маҳсулотлари, ҳўл мевалар етиштириб, болалар дастурхонига тортиқ қилмоқдалар. Шунингдек, етиштирилган ҳосилдан "Феруз" болалар боғчаси 100 минг, "Ҳулкар" болалар боғчаси 200 минг ва "Наргиз" болалар боғчаси 185 минг сўм даромад олган. Дўстлик туманидаги "Юлдузча" болалар боғчасида ташкил қилинган ёрдамчи хўжаликдан 1999 йилда 650 минг сўм даромад олиниб, мазкур даромад ҳисобидан боғчанинг моддий негизи мустаҳкамланган. Болалар учун турли хил ўйинчоқлар, ривожлантирувчи воситалар сотиб олинган.

"Соғлом авлод учун" Давлат дастурини бажариш борасида вилоятдаги 4 та мактабгача таълим муассасасида физиотерапия, уқалаш хоналари, 25 га яқин муассасада эса фитобар, 2 та ёпиқ сузиш ҳавзаси, 307 та мусиқа, инглиз тили, тасвирий фаолият, қўл меҳнати, ўзбек ва рус тили, спорт тўгараклари фаолият кўрсатяпти.

Саодат АБДУЛЛАЕВА,
ХТВ умумий ўрта таълим бошқармаси назоратчиси,
Фотима ХОЛМИРЗАЕВА,
РТМ умумий ўрта таълим бўлими бош методисти

Болалар кувончи юрт осойишталигидир. Уларни янаям хурсанд бўлсин десангиз, қўлига ўйинчоқ беринг. Шунда болалигингизнинг суратини кўрасиз. Собир Раҳимов туманидаги "Наврўз" болалар боғчаси тарбиячиси Муқаддас Расулова болалар оғушида ўз болалигини кўраётган бўлса, ажабмас!

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

Яқинда "Maktabgacha ta'lim" журналининг 2000 йил 7—8-сонлари нашрдан чиқди. Мустақил мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қандай тарбияланишига боғлиқлиги бугун барчага аён. Бу ўз навбатида, таълим тизимининг самарали ва серқирра усулларини белгилаш, ва айниқса, кичик ёшдаги болаларни бошланғич мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш муаммосини ижобий ҳал этиш масаласини қўяди. Шу ўринда боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши мактабгача тарбия давридаги тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ. Болани мактабда ўқишга — ҳаётнинг янги босқичига тайёрлаш унинг шахси ривожланишининг барча томонларини ўз ичига олади ва мактабгача тарбия дав-

рида амалга оширилади. Мактаб дастурларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда мактабга келаётган болаларнинг ривожланиши даражасига талаблар ортиб бормоқда. Бу ривожланиш даражаси мактабда ўқишга тайёргарлик билан белгиланади.

"Maktabgacha ta'lim" журнали мана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, ушбу сонида — ўзининг 7- ва 8-сонларини ҳажман бир муқова остида бирлаштирган ҳолда — Л.Мўминова, Д.Нуркелдиевалар ҳаммуаллифлигида тузилган "5—7 ёшли болаларнинг мактаб таълимига тайёрлигини текшириш дастури" қўлланмасини нашр этди. Шунингдек, ўқувчилар журналнинг ўтган сонида берилган "Навбатдаги машғулотга" рубрикаси остидаги "Элементар математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича таълим мазмуни" (ўрта гуруҳ) ва "Жаҳон педагогикаси хазинасидан" рукнидаги "Монтессори — материаллар" машғулотларининг давомини ўқишлари мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу дастур ва машғулотлар журнал муштарийларига маъқул келади ҳамда улардан унумли фойдалана оладилар.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

ЯНГИ АЛИФБО ҚАНДАЙ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган Давлат дастурига асосан республикамизда янги ўзбек алифбосига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, 2000-2001 ўқув йилида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг VII синфлари, барча фанларни таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг V синфлари "Ўзбек тили" дарсларини янги алифбода ўқишга ўтадилар. Ушбу синфлар учун тайёрланган дастур, дарслик ва методик қўлланмалар "Ўқитувчи" нашриёти ва "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни томонидан 47 номда янги ўзбек алифбосида чоп этилди. Шунингдек, ёрдамчи мактабларнинг бошланғич синфлари заиф эшитувчи, эшитишда нуқсони бор болалар учун ҳам бир қатор дастур дарслик, методик қўлланмалар янги алифбода чоп этилди. Жумладан, "Нутқ ўстириш", "Математика", "Талаффуз" (1-синфлар учун), "Математика", "Талаффуз", "Она тили ва нутқ ўстириш" (2-синфлар учун), "Талаффуз", "Ўқиш китоби" (3-синфлар учун), "Ўқиш китоби", "Дурадгорлик" (4-синфлар учун) шулар сирасига киради.

Jarayon

Энг муҳими, дарслик ва қўлланмаларни талаб даражасида қайта ишлаш, такомиллаштириш, янги ўзбек алифбосининг имло қоидалари асосида қайта кўриб чиқиш мақсадида муаллифлар гуруҳи шакллантирилган.

Мактабгача таълим муассасалари, синфдан ташқари ўқиш, ота-оналар, кенг жамоатчилик ҳамда мустақил ўрганувчилар учун ҳам кейинги 3-4 йил ичида бир қатор методик адабиётлар, дидактик материаллар чоп этилди. Жумладан, "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари", "Имло луғати", "Имло ва талаффуз луғати", "Лотин алифбоси", "Совға", "Қалдирғоч", "Ҳарфлар нима дейди?", "Бошланғич синфларда таълим-тарбияни такомиллаштириш", "Янги алифбо", "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш", "Муомала иборалари",, "Сирли хазина", "Алифбо ва имло", "Қувноқ алифбо", "Ҳуснихат", "Ёзувга ўргатиш бўйича дидактик материаллар" ва бошқа дарсликларнинг мактаб кутубхонасидан жой олганлиги қувонарлидир. Хуллас, янги ўзбек алифбоси асосидаги ўқув адабиётларини жадаллик билан чоп этиш давом эттирилади.

Ш.АҲМЕДОВА,
РТМ янги ўзбек алифбоси бўлими бошлиғи

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ МУАЛЛИФИ" РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА ТОПШИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

№	Муаллифнинг Ф.И.Ш.	Адабиётнинг номи	Нашр йили	Тавсия қилган ташкилот номи
1	2		3	4
1.	Деулетов А.	Ҳозирги Қорақалпоқ тили	1999	Нукус ПИ
2.	Инакова М.М. Тансыкбаева Г.М. ва б.	Женщина, право, общество	1999	ТДЮИ
3.	Зокиров И.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи	1996	ТДЮИ
4.	Абдуҳолиқов М.А. ва б.	Жиноят ҳуқуқи (умумий)	1998	ТДЮИ
5.	Маматқулов А.	Халқаро ҳуқуқ	1997	ТДЮИ
6.	Муҳамедов Х.	Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи 1-қисм	1999	ТДЮИ
7.	Мирзоева Т.Р. ва б.	Криминалистика техникаси	1999	ТДЮИ
8.	Раҳмонқулов Х.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар	1998	ТДЮИ
9.	Ибратов Б.	Пудрат ва қонун	1998	ТДЮИ
10.	Ҳусанов О., Дўсчанов Н., Муҳамедов Ё.	"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга шарҳлар	1999	ТДЮИ
11.	Йўлдошев М.,Турсунов Й.	Молия ҳуқуқи	1999	ТДЮИ
12.	Рустамбоев М.Х.	Преступления против личности	1998	ТДЮИ
13.	Раҳмонқулов Х.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар (1-жилд)	1997	ТДЮИ
14.	Бобоев Х.Б. ва б.	Программы по направлению В 380100-Право	1999	ТДЮИ
15.	Исламов З.	Общество, государство и право (1-2 части)	1997-1998	ТДЮИ
16.	Давлетов А.Дж	Прокурорский надзор	1999	ТДЮИ
17.	Зокиров И.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи	1999	ТДЮИ
18.	Бобобеков Ҳ. ва б.	Тузуки-Темурий	1999	ТДЮИ
19.	Редакторы. Катлэн Малфент., Эрик Де Майер	Взгляд юриста	1999	ТДЮИ
20.	Перегудов Л.В., Ҳошимов А.Н. ва б.	Автоматлаштирилган корхона станоклари	1999	ОЎММММИ
21.	Малик Муродов	Ўзбек қадриятлари	1995	ТошМадИ
22.	Муродов М., Эргашев А.	Алпомишнома	1999	ТошМадИ
23.	Ҳайдаров А., Ҳуснитдинов С.	Чарм буюмларига оид русча-ўзбекча изоҳли луғат	1999	ТТЕСИ
24.	Йўлдошева О. ва б.	Адабиёт (дарслик) 6-синф учун	1999	ПФИТИ
25.	Зайнобитдинов С., Тешабоев А.	Ярим ўтказгичлар физикаси	1999	Анд.ДУ
26.	Каримов Ш.К.	Пул, кредит, банклар	1998	ҚаршДУ
27.	Жуманов Б. ва б.	Ҳашаротлар физиологиясидан амалий машғулотларда маҳаллий манбалардан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма	1999	ҚаршДУ
28.	Каримов Ш.К.	Пул, кредит, банклар	1999	ҚаршДУ
29.	Лаханов Ж.А.	Умуртқали ҳайвонлар зоологияси	1999	СамДУ
30.	Пардаев О.П., Ибодов Р.М.	Квант механикасидан масалалар (1-қисм)	1999	СамДУ
31.	Хўжаев Ж.	Ўсимликлар физиологияси	1999	СамДУ
32.	Ҳайдаров А.А.,Камолов А.	Чарм буюмларини конструкциялаш 1-2 қисм	1999	ТТЕСИ
33.	Собиров З.	Органик кимё	1999	ТТЕСИ
34.	Қудратов О.	Саноат экологияси	1999	ТТЕСИ
35.	Голованова В.Г.	Философия	1999	ТТЕСИ
36.	Тожибоев Р., Жўраев А.	Машина деталлари	1999	ТТЕСИ
37.	Тожибоев Р.А., Шукуров М.М.	Машина деталларини лойиҳалаш	1997	ТТЕСИ
38.	Усмонов М.	Брошюралаш, муқовалаш жараёнлари технологияси 1-2 қисм	1999	ТТЕСИ
39.	Жуманиязов О. ва б.	DEUTSCH немис тили	1997	УрДУ
40.	Содиқов Б.	Педагогик маҳорат психологияси	1999	ТермДУ
41.	Туробов Н.Т. ва б.	Физик-кимёвий анализ методлари	1999	ТермДУ
42.	Нигматов Х.Х., Сафарова Г.Р.	Олий ўқув юртларига кирувчилар учун инглиз тилидан тестлар тўплами	1997	СамДМҚИ
43.	Неъматов Х.	Инглиз тилининг бошланғич курси	1998	СамДМҚИ
44.	Яздонқулова С.	Гиламдўзлик	1999	Янгиер ш. Сирдарё в. 4-мактаб
45.	Нурмонов А., Расулов Р.	Ўзбек тили жадвалларида	1993	АндДУ
46.	Маҳмудов Н.,Нурмонов А.	Ўзбек тилининг назарий грамматикаси	1995	АндДУ
47.	Алиқулова Д.А., Джурабаева Д.А.	Француз тили дарслиги олий ўқув юртлари учун	1999	ЎзМУ
48.	Аҳадов Ш.А., Яхшиликов Ж.	Темурийлар маънавияти	1999	СамДАҚИ
49.	Эргашев Т.С. ва б.	Ҳарбий атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати	1998	СамДАҚИ
50.	Йўлдошев К., Муфтайдинов Қ.	Иқтисодий билим асослари	1999	АндМИИ
51.	Эрназаров И.	Ўғитлаш асослари	1998	ҚаршМИИ
52.	Ражабов Н.	Она тили	1999	СамДЧТИ
53.	Кодиров А. ва б.	Анорганик кимё. Амалий машғулотлар	1996	БухООЕСТИ
54.	Тошев М.Т., Ганиев А.Г.	Физикадан масалалар тўплами	1997	БухООЕСТИ
55.	Тошев М.Т. ва б.	Умумий физика курсидан лаборатория ишлари тўплами	1996	БухООЕСТИ
56.	Юсупов В.Г. ва б.	Координацион бирикмалар кимёси	1996	БухООЕСТИ
57.	Абдусаматов А. ва б.	Кимёдан тест саволлари ва масалалар	1998	ТДАУ
58.	Бўриев Х. ва б.	Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	1997	ТДАУ
59.	Абдалимов Б.А.	Олий математика	1994	ТДАУ
60.	Бўриев Х.Ч. ва б.	Сабзавот экинлари селекцияси, уруғчилиги ва уруғшунослигидан амалий машғулотлар	1997	ТДАУ
61.	Бўриев Х.Ч. ва б.	Гулчилик	1999	ТДАУ
62.	Абдусаматов А. ва б.	Органик кимёдан амалий машқлар	1996	ТДАУ
63.	Хоназаров А.А., Кумзуллаев F.К.	Тупроқ эррозияси ва тоғ-ўрмон мелиорацияси	1999	ТДАУ
64.	Бўриев Х.Ч.	Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги	1999	ТДАУ
65.	Ҳусанова В., Тошпўлатов Э.	Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари физиологияси	1994	ТДАУ
66.	Алимов Х.Р.	Маъмурий ҳуқуқ	1996	ЎзРИИВА
67.	Зарипов З.С., Исмаилов И.	Криминология	1996	ЎзРИИВА
68.	Абдусалямов М.Ю.	Комментарий к конституции Республики Узбекистан	1997	ЎзРИИВА
69.	Кадыров М.	Уголовное право Рес. Узбекистан	1997	ЎзРИИВА
70.	Қобилов Ш.	Иқтисодиёт назарияси	1997	ЎзРИИВА
71.	Таджиханов У., Саидов А.	Ҳуқуқий маданият назарияси (1-2 томлар)	1997	ЎзРИИВА
72.	Муҳаммадиев Н.Э.	Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси маданияти	1998	ЎзРИИВА
73.	Алимов Х.Р. ва б.	Административное право Республики Узбекистан	1998	ЎзРИИВА
74.	Қаюмов Р.К.	Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи	1998	ЎзРИИВА
75.	Хан С.М., Хан В.С.	Социология	1998	ЎзРИИВА
76.	Саидов А.Х.	Сравнительное правоведение	1999	ЎзРИИВА
77.	Абдуллаев Е.	Тадбиркор ён дафтари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	1999	ТМИ
78.	Абдуллаев Ё.	Макроиқтисодий статистика	1998	ТМИ
79.	Ризоқулов А.,Нарзиев Р.	Аудит	1998	ТМИ
80.	Абдуллаева Ш.З.	Пул ва пул тизими	1997	ТМИ
81.	Аҳмедова М.А., Хан В.С.	Основы философии	1998	ТДШИ
82.	Абдуллаев Ё.	Макроиқтисодиёт статистикаси	1998	ТМИ
83.	Абдуллаев Ё.	Тадбиркор ён дафтари	1999	ТМИ
84.	Қобилов Ш.	Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарини ўрганиш бўйича ўқув кўргазмали қўлланма	1999	ЎзРИИВА
85.	Саидов А., Таджиханов У.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	1999	ЎзРИИВА
86.	Юсупов Э., Абдурахманов Ф.	Маънавий камолот мустақил тараққиётимизнинг асосий омили	1999	ЎзРИИВА
87.	Имамова Т.З.	Уроки по развитию навыков узбекской речи	1999	ЎзРИИВА
88.	Абдуллаева Қ.	Ўқиш китоби	1997	ХТВ
89.	Қосимов Б. ва б.	Адабиёт	1999	ХТВ
90.	Шомаҳмудова Р. ва б.	Она тили	1996-99	ХТВ
91.	Кожуховская В. и др.	Путешествие и мир слов.	1998-99	ХТВ
92.	Комилов F.,Мовлонов О.	Зоология	1998-99	ХТВ
93.	Султонова М. ва б.	Талаффуз	1998-99	ХТВ
94.	Алимов Ш.	Алгебра	1994-99	ХТВ
95.	Шахмаев М., Шодиев Д.	Физика	1999	ХТВ
96.	Мўминов О. ва б.	Ўзбекистон табиий географияси	1996-99	ХТВ
97.	Шоумаров F., Ғуломов П. ва б.	Ўзбекистон географик атласи	1999	ХТВ
98.	Азимов С.	Дурадгорлик	1999	ХТВ
99.	Иномов М., Шарипов Б.	Бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб варақалари ўртасидаги боғланишлар	1996	НамМИИ
100.	Абдурашидов Қ.С., Хобилов Б.А., Тўйчиев Н.Ж., Раҳимбоев А.F.	Қурилиш механикаси	1999	ТАҚИ

Дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳақида фикр ва мулоҳазалар матбуотда эълон қилиниши ёки Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига (Тошкент, 700011, Пахтакор кўчаси, 3-уй) ёзма тақриз шаклида 15 сентябргача юборилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги,
Республика "Устоз" жамғармаси

Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Бу китоб жангоҳларда қон кечган, ўлим билан бир неча бор юзма-юз келган киши томонидан ёзилганлиги билан ҳам қадрли.

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Юртимизда спортга бўлган эътибор кучлилиги ва барча шарт-шароитлар мавжудлигида, — деди Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти, 6-Дан соҳиби Нурхон Нафасов.

— Глазго шаҳрида (Шотландия) ўтказилган 9-Жаҳон Кубоги баҳсларидаги каратэчиларимизнинг ютуғи ҳам ушбу эътиборнинг мевасидир. Сайёрамизнинг 30 га яқин мамлакатидан 700 нафардан зиёд спортчилари иштирокида кечган муросасиз беллашувларда ўзбек ўғлонлари 4 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритиши терма жамоамизнинг кучли учликдан жой олишини таъминлади.

Каратэ оламида юқори поғоналарни банд этиб келаётган Англия, Бельгия, Россия, Германия, Эрон каби мамлакатларнинг кучли спортчилари ҳамюртларимиз билан бўлган учрашувларда майдонни бош эгиб тарк этишга мажбур бўлдилар. Халқаро майдонда йирик спорт мутахассиси Томми Морис томонидан ҳам ўзбекистонликларнинг саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди. Рақибларини якка олишувда доғда қолдирган Илҳом Каримов мусобақанинг энг яхши иштирокчиси номига сазовор бўлди. Азамат Қаландаров, Аъзам Абдумавлоновлар ҳам юқори поғоналарни банд этишди.

У.Низомов, Н.Хўжаев, И.Каримовлар ката (кўргазмали чиқиш) баҳсларида кумуш медал билан тақдирланган бўлишса, О.Қосимов, И. Мирбобоев, Ф. Абдумавлонов, Н. Хўжаевлар бронза медали соҳибларига айланишди. Дамир Гумиров ҳам кумитэ (якка олишув) баҳсида медаллар сонини яна бир бронза медали билан бойитди.

Шунингдек, ушбу нуфузли мусобақада ҳакамлик қилиш имтиёзини қўлга киритган ўзбекистонлик Д.Каримов ва М.Голованов маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Умуман олганда, ўзбек каратэчилари халқаро майдондаги зафарли одимларини давом эттириб, бу гал ҳам Ватан шаъни деган муқаддас туйғуни муносиб ҳимоя қилдилар.

"Туркистон-пресс"

САРҲАДЛАРИМИЗ ПОСБОНЛАРИНИНГ ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

12 август куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Марказий офицерлар уйида истиқлолиминнг 9 йиллигига бағишланган чегара қўшинлари аскар қўшиқларининг 1 фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Фестивални ўтказишдан мақсад чегара қўшинлари аскарлари қалбидаги ўз халқига муҳаббат, Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир. Фестивалда иштирокчилар уч йўналиш бўйича беллашдилар. Минглаб томошабинлар қарсаклари, олқишлари остида ўтган қўшиқ байрамининг талабчан устоз санъаткорлардан иборат ҳайъат аъзолари фестивал иштирокчилари маҳоратига муносиб баҳо бердилар.

Муаллифлик ижрочилиги бўйича: "Капитан Ўзбековни хотирлаб" қўшиғи ижроси учун оддий аскар Дониёр Йўлдошевга биринчи, "Вершина 1100" қўшиғи учун майор Андрей Вепровга иккинчи, "Тинчлик вальси" қўшиғи муаллифи оддий аскар Бахтиёр Зайнуддиновга учинчи ўрин насиб этди.

Яккахон хонандалар баҳсида эса, "Дардим айтсам" қўшиғи учун катта сержант Отабек Қамбаров биринчи, "Аскар мактуби" қўшиғини ижро этган оддий аскар Алланазар Алимов иккинчи, "Чегарамиз ҳарбийлари, соғ-омон бўлинг" қўшиғи учун оддий аскар Лутфулла Мирзаҳўжаев учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Оммавий (хор) ижрочилик йўналишида, Елена Каплина раҳбарлигидаги жамоа ижро этган "Ўзбекистоним" қўшиғи биринчи, лейтенант Ёқубжон Ражабов етакчилигидаги жамоа ижросидаги "Шу азиз Ватан барчамизники" қўшиғи иккинчи, хизмат кўрсатган маданият ходими Амин Каримов раҳбарлигидаги ашулачилар "Ўзбекистоним" қўшиғи учун учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Фестивалда таниқли санъаткор Юнус Гульзаров, Шавкат Тошматов, Отабек Мадраҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Козим Қаюмов, Кумуш Раззоқова ҳамда "Фаёд" гуруҳи иштирок этдилар ва ўз санъатини намойиш қилдилар.

Каримжон АБДУРАҲМОНОВ

Xullas...

ТИРИЛГАН МУРДА

Бу ибора академик шоир Ғафур Ғулом қаҳрамонига мажозий маънода тегишли эканлигини биламиз. Аммо марҳумларнинг тирилиб, қайтадан ўз туғишганларига қувонч ато этиши ҳам учраб турар экан.

Ҳинди Аджай Шопрани бир ой излашди. Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ. Ниҳоят, унинг қуйдирилган жасадини топишди. Барча расм-русумлар адо этилиб, майитни дафн гулханида ёқишди. Бир неча соат ўтгач эса Шопра уйга соппа-соғ кириб келди. "Таажжуб, тушимизми, ўнгимизми" дея қуни-қўшнилар донг қотишди. Қўплар ҳушидан кетди. Унинг ўлиб-тирилишини илоҳият билан боғлаганлар ҳам бўлди.

Қисқаси, аза туйга айланди.

Маълум бўлишича, ёқилган жасад Шопрага икки томчи сувдек жуда ўхшаш тиланчи экан. Аджай Шопра эса чиндан ҳам бир ой оиласидан қочиб юрган, охири дарбадар юриш жонига тегиб, уйига қайтган экан.

КОКОС ЧАНАЛАР

Кокос пальмасини биласизми? Ҳа, худди ўша: меваси иситадиган, боқадиган, чанқоғингизни қолдирадиган дарахт. Туамату архипелагидаги Тальбе оролида кокос пальмаси баргларини чана ўрнида ишлатадилар. Баргга ўтирсангизу, қўлингизга таянадиган ёғочни оловлатсангиз бас, шамолдек олиб кетаверасиз. Тағин қорда деб уйламанг, қум тепалардан учиб тушасиз.

Бу оролда ҳар йили чана-кокос баргларида учиш мусобақаси бўлиб ўтади, орол чемпиони аниқланади. Агар халқаро мусобақалар кокос чаналар бўйича уюштириладиган бўлса, орол спортчилари, албатта, ғолиб чиқадилар.

ҲАМОН ЖУМБОҚ

1998 йил 28 сентябрда Чили мамлакатининг барча аҳолиси учар ликопча парвозига гувоҳ бўлишган. Кеч соат 21 ^{00} билан 10^{00} нинг ўртасида уммон соҳилидаги бу мамлакатнинг шимолидан жанубига қадар думалоқ халқага ўхшаган номаълум учувчи жисмлар учиб утди. Бу жумбоқли ташриф бир неча ойгача Чили газеталари саҳифаларидан тушмади.

Учувчи жисмнинг ҳажми жуда катта, диаметри 500 метр келиши эътироф этилган. У ҳақдаги кузатишлар ва тадқиқотлар ҳамон давом этмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

«ДЎСТЛИК» «ДЎСТ» БЎЛМАЯПТИ

Футбол бўйича миллий чемпионатимиз олий лигасида 23-тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Навбаҳор»ни (0:1) доғда қолдирган «Дўстлик» ҳамон пешқадам - 59 очко. «Самарқанд-Д» «Пахтакор»га ютқазса-да (0:1), 2-ўринда - 49 очко. «Хоразм»ни 4:2 ҳисобида енгган «Насаф»да ҳам 49 очко бор - 3-ўрин. Жадвалнинг қуйи қисмида ҳам кураш қизғин давом этмоқда.

ИСТИҚЛОЛГА ТУҲФА

Шотландиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган каратэ бўйича 9-жаҳон кубоги баҳсларида қатнашган 12 нафар вакилимиз 4 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ушбу мусобақада 20 та давлатдан 300 нафардан ортиқ каратэчилар қатнашган эди. Ўтган куни улар юртимизга қайтиб келишди.

«ПАХТАКОР»НИНГ ҚЎШ ҒАЛАБАСИ

«Пахтакор-79» 1-халқаро турнири ниҳоясига етди. 11 август куни бўлиб ўтган Украина - «Қайрат» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Сўнгги ҳал қилувчи ЦСКА - «Пахтакор» учрашуви 3:4 натижа билан якунланди ва «Пахтакор» фахрийлари турнир ғолиби бўлишди. Шунингдек, анъанавий хотира турнири финалида ёш «пахтакор»чилар «Нефтчи» устидан ғалаба қозонишди - 3:2.

«ҚАРИЯ» ДЕМАНГ БИЗНИ...

Германиянинг Фрайбург шаҳрида фахрийлар ўртасида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 44 мамлакатдан 586 нафар спортчи қатнашган ушбу мусобақада ҳамюртимиз Александр Истомин 85 кг. вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

ФИФАнинг ИЮЛЬ ОЙИ РЕЙТИНГИ

Халқаро ташкилот - ФИФА Цюрихда терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Июль ойи рейтингида Ўзбекистон терма жамоаси 61-ўриндан 64-ўринга тушганлиги қайд қилинган. Мазкур рейтинг бўйича Бразилия биринчи, Франция иккинчи, Аргентина учинчи ўринда бормоқда.

Сафар БАРНОЕВ

ЎЗБЕКНИНГ ЙЎЛИ

Мудом дуодадир ўзбекнинг қўли,
Кафтида
Эзгулик дарахти унар.
Ўзгармас дунёда яшашнинг йўли,
Кунлар бежиз кетмас,
Кетмас беҳунар.
Мудом яхшиликдир ўзбекнинг йўли,
Чақасин санамас,
боласин санар,
Қалбида гуллайди қувончнинг гули,
Беғубор дўстларга эшик очса гар.
Бахши у,
Яхши у,
Жўмард, мард инсон,
Ҳикматдан кўзлари очилгани рост.
Илк бор қулоғига айтилгач азон
Ёруғликка меҳри
сочилгани рост.
Беҳуда эгилмас,
Тантилиги шу.
Қўлидан бўшатмас тулпор
жиловин.
Ундан узоқ яшар бегона
туйғу,
Ўзгага миндирмас,
минган уловин.
Мудом дуодадир ўзбекнинг қўли,
Томирига туташ
сариштaлари.
Ўғли — қуёш бўлиб,
қизи — ой бўлиб,
Бошида айланар фаришталари.

БОБОЛАР ЯРАТДИ...

Боболар яратди Алпомишларни,
Минг йиллар куйлади неваралари.
Сўнг, оққушдек кўрган тушларини, —
Эртак қилиб келди чеваралари.
Дарё оқаверди,
Эл оқаверди.
Дунёга келдилар янги ботирлар.
Худо топганини бу ерга берди,
Гоҳи пайҳон этди уни шотирлар.
Кесилиб кетдилар
Элнинг бошига.
Мен соябон деган адл чинорлар.
Мен ҳали борман деб бешик қошига
Аста эгилдилар қадим минорлар.
Тоғлар сурилдилар,
Боғлар сўндилар,
Гоҳ кишнаб, кишнамай чопдилар отлар.
Лек кўчиб келмади бизга тундра.
Йўлимиз кўммади бегона, ётлар.
Дарё оқаверди,
Эл оқаверди.
Эски қудуқларга айтиб ҳасратин.
Ғамнинг кокилин мард ёқаверди,
Кўзлар ойдин дея ёзиб дастхатин.
Саркор бошқа бўлар,
Сардор бошқадир.
Қозон атрофида айланар пойкор.
Эшик зулфинига нур талашдадир,
Остона мустаҳкам,
остона пойдор.
Боболар яратди Алпомишларни,
Нафаси етсин деб ҳар бир эркакка...
Биз эса оталар кўрган тушларин
Солиб куйлаяпмиз янги эртакка.

БУ ЮРТНИНГ КАРВОНИ

Бобом боғбон эди,
нодонни кўрса
Ўтгуси келарди тупроққа қориб.
Дерди: — Хаёллари сари-сарсондир.
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб.
Бу юртни севмаган хонавайрондир.
Ундайда қоиндан бошқа ташвиш йўқ,
Чумчуқдек чирқиллаб излаши дондир.
Уйига қайтади ҳасаддан ҳориб.
Бу юртга жонини тикмаган
ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.
Кўкарсанг, кўчатинг кўкармасин деб
Гап сотар, ўзгалар ерига бориб.
Тўлғаниб ётиши мисли чаёндир.
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Кўп кўрдим, нодоннинг девори юпқа,
Юрагин юради шайтонга ёриб,
Кўрган остонаси ғийбат нишондир.
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Болам, жим яшадим,
жим севдим юртим.
Уйимга қайтмадим, бемажол, ҳориб,
Бегона қуртларнинг сўриши қондир,
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Мана боғ яратдим, меҳрини туйғин,
Меҳрини туйғанлар кетмаган қариб.
Ҳар бир дарахтим бу —
битта айвондир.
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Куйласанг, куйлагин, наволарингни,
Тил эмас,
Қўлларинг мен десин ғолиб.
Орзу ҳаваслaрга ватан имкондир.
Бу юртга жонини тикмаган ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Нодонни нонкўрлар чорлаб туради,
Қўрқоқдан қалтироқ кетмайди ариб.
Бу юртнинг карвони бутун карвондир.
Бу юртга жонини тикмаган, ғариб,
Бу юртни севмаган, хонавайрондир.

Istiqlol ilhomlari

АСР САБОҒИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ

Бугун барча келаётган янги асрни иштиёқ билан кутаётир. Янги минг йиллик инсониятга нималарни ҳаля қилар экан? Бизни тараққиётнинг яна қандай мўъжизалари кутмоқда? Шу ва шу каби саволларнинг аксарияти фанний, техникавий тараққиёт билан боғлиқ. Чунки, бунга мустаҳкам асос яратилди ўтаётган асримизда. Аммо, саволларнинг энг муҳими, албатта, инсоннинг ўзи, руҳияти, маънавияти билан боғлиқ саволдир - янги асрда комил инсон, юксак маънавиятли, маърифатли шахс бўлиб такомиллашиш учун нималарга таяниш лозим? Инсон XX асрдан қандай сабоқлар олди?

Иккинчи жаҳон уруши хотиралари ҳали ҳамон инсониятни ларзага солади. Уруш қатнашчилари сафи тобора сийраклашаётган эса-да, сабоқлари ортса ортадики, камаймайди. Уруш қатнашчиси, Термиз туманидаги 7-мактабда узоқ вақт фаолият кўрсатган республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Иброҳим Бобохўжаевнинг «Шаҳидлар» китоби шундай чорлов жарангидай таассурот қолдиради.

Китоб 25 та кичкина ҳикоячалардан ташкил топган. Ҳар бир ҳикоя маълум изчилликда бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдиради. «Ажиб муаллим эди Ғиёс ака» деб номланган биринчи ҳикояда муаллиф биринчи ўқитувчисини хотирлайди. Шундан сўнг уруш-гача бошидан кечирганлари, кейин уруш даври ва китоб сўнгида уруш сабоқларидан иборат хотира-кузатишлари тасвирланади.

«Шаҳидлар» - элюрт осойишталиги, равнақи учун жонини тиккан, ким учун, нима учун жанг қилганини билиб-билмай шаҳид кетганлар тақдирларидан сабоқ олишга, истиқлол қадрини англашга чорловчи китоб. Бу китоб жанггоҳларда қон кечган, ўлим билан бир неча бор юзма-юз келган киши томонидан ёзилганлиги билан ҳам қадрли.

Шерали НИШОНОВ

ТЎРТИНЧИ МАВСУМ ИШ БОШЛАДИ

— Соғлом авлод йили муносабати билан пойтахтимиздаги С.Раҳимов тумани "Хувайдо" маҳалласидаги "Лочин" болалар ёзги оромгоҳида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, шаҳар қўмитаси ва оромгоҳ раҳбарияти ташаббускорлиги туфайли тўртинчи мавсум ташкил қилинди. Учта мавсумда мингдан зиёд ўқувчи турли вилоятлардан келиб дам олишди. Мана тўртинчи мавсумда ҳам, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактабларнинг уч юздан зиёд ўқувчилари дам олишмоқда, — деди "Лочин" оромгоҳи директори Пак Моисей.

Бухоро вилоятидан келган болалар раҳбари Муззаффар Тўрабоев ва Навоийдан келган болалар раҳбари Назира Раҳимовалар мана шу тўртинчи мавсумни ташкил қилганлардан чексиз миннатдор эканликларини яширишмади, уларнинг айтишича, асосан кам таъминланган оилаларнинг болалари дам олиш учун келишган. Ушбу болалар ёзги оромгоҳда тўртинчи мавсум очилиши муносабати билан кечки гулхан ташкил қилинди. Болалар саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда гулхан атрофида сафландилар. Гулхан ёқилиши олдидан гуруҳ раҳбарлари ҳисобот топширишди. Ҳали ўқувчилар оромгоҳга келганига икки кун бўлишига қарамасдан ҳар бир гуруҳнинг қизиқарли чиқишларидан очилиш маросимига жуда катта тайёргарлик кўрилганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, осмондан оловли ракетачанинг учиб келиб гулханни ёққанлиги барчада катта таассурот қолдирди.

Ушбу болалар оромгоҳида деярли ҳар куни спортнинг у ёки бу тури ҳамда санъат турлари бўйича мусобақалар, қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Бу эса болаларни янада соғлом ва қобилиятли бўлишига замин яратади.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

Суратда: тўртинчи мавсум очилишидан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, касаба уюшмаси, Бошланғич таълим ва дефектология факультети жамоаси, Бошланғич таълим кафедраси катта ўқитувчиси **Т.АҒЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Шерали НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-717. Тиражи 19.706.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.